

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАМАДИЕВ БАХРИДДИН ТАЖИБАЕВИЧ

**Хўжалик(тадбиркорлик) фаолиятига солиқлар орқали таъсир
қилишнинг ҳуқуқий асослари**

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

Илмий раҳбар: “Фуқаролик ҳуқуқи ва
фуқаролик процесси” кафедраси доц.
в.б., ю.ф.н. Исмоилов Шухрат
Абдусаминович

ТОШКЕНТ – 2014

Мундарижа

КИРИШ.....	3
I боб. Хўжалик(тадбиркорлик) фаолиятига солиқлар орқали таъсир қилишнинг ҳуқуқий асослари	
1.1.Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.....	7
1.2.Ўзбекистонда хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини солиқлар воситасида бошқариш ва унинг асосий функциялари.....	12
1.3. Хўжалик фаолиятига солиқлар орқали таъсир этиш тушунчаси, мақсади ва воситалари.....	15
II боб. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда солиқлар орқали таъсир қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари	
2.1.Хўжалик(тадбиркорлик) фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш.....	21
2.2. Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсири.....	31
2.3.Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик белгилашнинг ҳуқуқий асослари.....	36
Хулоса.....	41
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	43

Мавзунинг долзарблиги. Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унда таркибий ўзгаришлар, модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур вазифалар ижроси юзасидан кейинги йилларда солиқ тизимини соддаштириш, солиқ юкини камайтириш, қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, айрим йўналишлар бўйича солиқ солиш тизимларини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қатор фармон ва қарорлари эълон қилинди. Улар асосида амалга оширилган ишлар, солиқ юкини камайтириш ва бошқа имтиёзлар иқтисодиётнинг ривожланишига, тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳамда улар сонининг ошишига ижобий таъсир этмоқда.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг таъкидлашича, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охириги келиб 190 мингтага етди. Хусусан, 2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди. Солиқ юкини янада камайтириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажмини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш иқтисодиётимиз ривожига албатта муҳим аҳамият касб этади. Бундай солиқ енгилликлари 130 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаш ва уни корхоналар ихтиёрида қолдириб, уларнинг ўз айланма маблағларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, шунингдек, аҳоли даромадларини 90 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш имконини беради¹.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, ноқонуний равишда қўшимча ҳисоботларни талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик республикаимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилинмоқда².

2007 йилда электрон алоқа воситасида молиявий ҳисобот, солиқлар ва даромадлар тўғрисидаги ҳисоб-китобларни топшириш 15 фоизни ташкил этган. Бугунги кунда маълумот узатиш, статистика, молия ва солиқ

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т: Ўзбекистон, 2014. 5-7 бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июнь “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори.

ҳисоботларининг электрон шакли ва тармоқлари ҳаётимизга изчил ва тизимли асосда жорий этилиши натижасида тадбиркорлик субъектларининг 89 фоиздан ортиғи солиқ ҳисоботларини, қарийб 86 фоизи статистик ҳисоботларни электрон шаклда топширмакда.

Шу билан бирга, тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш, бизнесни юритиш шарт-шароитлари юзасидан қабул қилинаётган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳали эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумий қабул қилинган халқаро нормаларга мувофиқ эмас. Ишлаб чиқариш чиқимларининг, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга материаллар ва энергия сарфининг юқорилиги, шунингдек, солиқ имтиёзлари ва преференцияларга ҳаддан ташқари берилиш рақобатбардошлиликни оширишда жиддий тўсиқ бўлмокда. Таъкидлаш жоизки, айнан мазкур сабаблар билан 140 тадан ортиқ корхона, жумладан, 67 та йирик корхона ҳанузгача зарар кўриб ишламокда¹.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “бугун шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар замонавий талабларга ҳали-бери тўлиқ жавоб бермайди. Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз планли-тақсимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ. Кескин рақобат шароитида солиқ имтиёзлари ва протекционистик чоралар ҳисобидан яшаш мумкин, деган нотўғри қараш миямизга чуқур ўрнашиб қолган. Бундай чоралар, аввало, корхоналар манфаатига зарар етказиб, уларнинг даромадини камайтириш билан бирга, давлат бюджетига сезиларли равишда зиён етказиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Энг муҳими, ҳар қандай имтиёз ва преференциянинг умри узоқ эмаслигини эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Фақат шундай имтиёз ва преференцияларга таяниб қолган корхоналар очик иқтисодиёт шароитида хорижий компаниялар билан нафақат ташқи, балки ички бозорда ҳам рақобатлаша олмайди².

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги тамойилни ҳаётимизга кенг жорий этилиши натижасида фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилди.

Лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар, шунингдек, солиқ солиш ва божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни интерфаол шаклда кўрсатишга

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январь “2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги қарори.

²Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т: Ўзбекистон, 2014. 26-27 бетлар.

ўтишни тезроқ амалга ошириш зарур. Шунга қарамасдан, бугун интерфаол усулларда ишлаш етарли эмас.

Айрим қонунлар реал воқеликни акс эттирмаслиги сабабли кўп ўтмай уларни ўзгартиришга тўғри келади. Шу туфайли солиқ қонунчилигига ўзгартириш киритиш олдидан келажакда кутилган натижа самарасини олдидан кўра олиш ва илмий жиҳатдан асослаш жуда муҳимдир.

Солиқ амалиёти асосан, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, халқаро шартномалар, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясининг қарорлари, давлат қўмиталарининг меъёрий ҳужжатлари, солиқлар бўйича йўриқномалар ва бошқа соҳага тегишли ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Одатда, улар Солиқ кодексида тўлиқ акс этмайди. Натижада Солиқ кодекси кенг фойдаланмайдиган ҳужжатга айланиб қолмоқда¹. Ҳозирги вақтда ўз амалиётимиз ҳамда солиқ солиш соҳасидаги хорижий тажрибадан фойдаланиш асосида солиқ муносабатларининг мураккаб ва етарли даражада ўрганилмаган томонларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан энг муҳим устувор вазифалар қаторида тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва уни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик(тадбиркорлик) фаолиятига солиқлар орқали таъсир қилишнинг ҳуқуқий асослари алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас. Мазкур масала ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган. Мазкур мавзу билан боғлиқ айрим жиҳатлар иқтисодчилар А.С.Жўраев, Н.А.Ортиқов, О.Абдурахмонов, Б.Кушакаев, Ғ.Сафаровлар, шунингдек ҳуқуқшунос олимлар О.Оқюлов, Ф.Х.Отахонов, Й.Турсунов, Л.Хванлар томонидан ўрганилган².

Тадқиқот мақсади хўжалик(тадбиркорлик) фаолиятига солиқлар орқали таъсир қилишнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалаларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга йуналтирилган назарий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

- мамлакатимизда солиқ қонунчилиги тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг даврий бўлиниш хусусиятларини кўриб чиқиш;
- тадбиркорлик фаолиятини солиқлар воситасида бошқариш, унинг асосий функциялари ва тамойилларини кўрсатиб бериш;

¹ Абдурахмонов О., Кушакаев Б., Сафаров Ғ. Солиқ ислохотлари: изчиллик ва тадрижийлик. –Т.: Академия, 2005. –Б.31.

² Жўраев А.С., Ортиқов Н.А. Солиқ ҳуқуқи асослари. –Т.: ИЛМ-ЗИЁ, 2012; Абдурахмонов О., Кушакаев Б., Сафаров Ғ. Солиқ ислохотлари: изчиллик ва тадрижийлик. –Т.: Академия, 2005; Отахонов Ф.Х. Хўжалик(тадбиркорлик) ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2003.

-хўжалик фаолиятига солиқлар орқали таъсир қилиш воситаларини ўрганиш;

-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш юзасидан ҳуқуқий муносабатларни аниқлаш;

-солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва уларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсирини аниқлаш;

-солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва унинг жавобгарлик масалаларини тадқиқ этиш ташкил қилади.

Тадқиқот ишининг объектини хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш юзасидан вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқот ишининг предметини хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш бўйича мавжуд қонунчилик ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-назарий ва илмий-амалий масалалар ташкил қилади.

Ишнинг тузилиши. Мазкур битирув малакавий иш кириш, олти параграфни ўз ичига олган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ХЎЖАЛИК(ТАДБИРКОРЛИК) ФАОЛИЯТИГА СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ ТАЪСИР ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиши

Солиққа тортишнинг тўлақонли назарий асосланиши чуқур тарихий илдизга эга эмас. XVII асргача ҳамма солиқ тўғрисидаги тасаввурлар тасодифий ва тартибсиз характерга эга бўлган, бу эса ушбу давргача солиқларга бағишланган тадқиқотлар тор доирада олиб борилганлигидан далолат беради. Вақтинчалик ва тасодифий солиқларни доимий ва умумий тўловларга айлантирилиши аҳолининг норозилигига олиб келди ва бу ҳолат молия илмидан солиқни назарий асослаб беришни талаб қилар эди. XVII асрга келиб солиқ нафақат иқтисодий маънога эга бўлган, балки ҳуқуқий маънога ҳам эгаллиги ҳақида тасаввур шаклланган. Айнан шу даврда солиқларга фуқароларни давлат олдидаги юридик мажбурияти сифатида қаралди. Шундай қилиб, инглиз тилида ҳозиргача баъзи бир солиқлар “дутй” деб номланади, яъни қарз, мажбурият деганидир¹.

Узоқ вақт давомида солиқ назариясида – классик қарашлар асосий назария бўлиб келди. Бундан 200 йиллар чамаси илгари А.Смит томонидан давлат молияси эволюциясини ўрганишга асос солинди. Бу назария мустақил хўжалик юритувчи субъектлар даромадидан давлат хазинасига тартибли ва самарали равишда солиқ ундиришнинг тўрт тамойилини кўрсатиб берган бўлиб, уларга – тенглик, аниқлик, тўлашнинг қулайлиги ва арзонлиги киритилди. Классик-олимлар У.Пети, Ж.Б. Сей ва инглиз иқтисодчилари Д.Риккардо, Ж.Мильар иқтисодиётни самарали ва ўзини ўзи бошқара олади, деб ҳисоблашган. Уларнинг фикрича талаб таклифни яратади, агар ишлаб чиқарувчилар кўпайиб кетишса улар ўзлари такчил тармоқларга ўтишини, солиқлар эса фақатгина бюджет даромадининг манбаи сифатидагина роль ўйнайди холос деб ҳисоблашган. Солиқлар бўйича олиб борилган изланишлар фақатгина уни ундириш ва ундирилган маблағларни фискаль эҳтиёжларни қондириш учун ишлатиш устида олиб борилар эди. Аммо иқтисодиётнинг ривожланиши ва иқтисодий цикллارнинг бўлиб туриши классиклар назарияларини бир қадар ўзгаришига олиб келди, яъни давлатнинг роли ва иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсата олишини белгилаб бериш керак бўлиб қолди. Бундан ташқари солиққа тортишнинг ижтимоий-иқтисодий чегараларини ҳам белгилаб олиш керак эди. Маълумки, солиққа оид ғоялар, илмий қарашлар ва назарияларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири жараёни уларнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқдир. Шу ўринда солиққа оид ғоялар, илмий қарашлар ва солиқ борасидаги яратилган назарияларнинг моҳияти, аҳамияти ва бошқа ўзига хос

¹ Абдукодиров С. Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг муаммолари номли илмий-назарий конференция материаллари. -Т.: ЎзМУ, 2013. -Б.177.

хусусиятларидан келиб чиқиб, улар ўртасидаги аниқ фарқли чегараларни аниқлаш муаммоси ҳали-ҳануз мавжуддир¹.

Иқтисодчи олим А.С.Жўраевнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда мустақиллик йилларидаги солиқ сиёсати ва қонунчилигини шаклланишини тўрт босқичга бўлиб таҳлил қилиши мумкин². Ўзбекистонда солиқ қонунчилиги шаклланишини даврларга бўлиш ҳақида С.Абдуҳолиқов ҳам фикр юритиб, солиқ тизими ислохоти ривожланишини яққол кўрсатиш учун шу даврни тўрт босқичга бўлиб кўрсатиш мумкинлигини таъкидлайди³. Демак, Ўзбекистонда солиқ қонунчилиги шаклланишини даврларга бўлишда ягона ёндошув мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Биринчи босқич – 1991-1994 йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистоннинг ўз солиқ тизимини ташкил этиш ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш босқичидир.

Республикаимизнинг ўз солиқ тизимини яратишда 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида”ги ва “Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари биринчилардан бўлди. Улар ўзида биринчи марта солиқ тизимининг тузилиши ва ишлашининг умумий асосларини аниқлаб берди, солиқларни ҳисоблаш ва ундириш тартибини ўрнатди.

1992 йил 9 декабрда мазкур қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, уларга биноан солиқ объекти кенгайтирилди, яъни илгари даромад солиғини жамоа ҳўжалиги орқали тўлаб юрган жамоа аъзолари тўғридан тўғри ўзлари тўлайдиган бўлдилар.

1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Бундай солиқларга жисмоний шахсларнинг мулк солиғи, ер солиғи, курорт зоналарида ишлаб чиқариш объектлари қурилиш солиғи, реклама солиғи, автомобиль воситаларини қайта сотиш солиғи, транспорт воситаларини эгаларидан солиқлар ва 13 та ҳар хил йиғимлар киритилди.

Солиқ қонунчилигимизнинг биринчи босқичи, республика солиқ тизимининг солиқларнинг кўплиги билан солиқ ставкаларининг юқорилиги, шунингдек, корхона ва ташкилотлар даромадининг 45 фоиз бюджетга олиниши билан характерланади. Бундан ташқари, солиқ қонунларимиз корхона ва ташкилотларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини жиҳозланишини чегаралаб қўйган, солиқ қонунчилигидаги имтиёзлар ҳам бу муносабатга ўз таъсирини кўрсата олмаганлиги яққол намоён бўлади. Ишлаб чиқаришнинг пасайиб бориши, солиқларнинг хазина функциясининг кучайиб

¹ Абдуқодиров С. Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг муаммолари номли илмий-назарий конференция материаллари. -Т.: ЎзМУ, 2013. -Б.178.

² Жўраев А.С., Ортиков Н.А. Солиқ ҳуқуқи асослари. –Т.: Илм-зиё, 2012. –Б.19.

³ Абдуҳолиқов С. Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг муаммолари номли илмий-назарий конференция материаллари. -Т.: ЎзМУ, 2013. –Б.189.

кетиши натижаси ҳамда “ёввойи” бозор иқтисодининг талабига кўра, солиқ қонунчилигимиз олдига солиқ юкини камайтиришни объектив зарурат қилиб қўйди ва солиқларнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга оид солиқ қонунлари, йўриқномаларини, кўрсатмаларни ишлаб чиқишга олиб келди¹.

Солиқ ислохотларининг иккинчи босқичи солиқларни бозор иқтисоди талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратиш давридир. Бу даврга 1995-1997 йиллар тўғри келади.

Бу даврда солиқлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтиришга бағишланди. Уларга солиқлардан хилма-хил имтиёзлар берилди. Айниқса юридик шахсларнинг фойда (даромад) солиғидан имтиёзлар кўп эди, 1995 йилдан бошлаб корхоналар ҳар бир фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиргани учун 0,3 %дан фойдага солиқ ставкаси камайтирилди.

Халқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштириш ва тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш солиқ тизимини ислоҳ қилишни талаб этди ва кўплаб корхоналар ва ташкилотларнинг фойда солиғини даромад солиғи тўлашга ўтиши амалга оширилди. Унинг ўртача ставкаси 37 фоиз этиб белгиланди.

Солиқ тўловчилар учун имтиёзлар кўзда тутилди. 1995 йилдан бошлаб солиқ тизимини бирхиллаштириш бошланди. Бир қатор кам самарали солиқлар: республика ташқарисига олиб чиқиладиган хом ашё ресурслари учун солиқ, ҳисоблаб чиқилган амортизациядан бюджетга 30 фоиз ундириш ва бошқалар бекор қилинди. Жамоа хўжалиги аъзолари ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлаётганлар учун солиққа тортишнинг ягона тартиби ўрнатилди. Яъни, жамоа хўжалиги аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини солиққа тортиш бекор қилинди ва уларга нисбатан фуқаролар даромад солиғи тўғрисидаги қонунчилик татбиқ этилди.

Сармоядорлар учун рағбатлантиришлар солиқ тизимининг барқарорлашувиغا кўмак берди. 1996 йилнинг 1 январигача рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга солиққа тортиш тизимида даромад ёки фойдани солиққа тортишни танлаш ҳуқуқи тақдим этилди, бошқа барча хўжалик юритувчи субъектлар эса даромад солиғига ўтказилди.

Солиқларни бозор муносабатларида қатнашишини кучайтириш учун уларнинг ҳаммаси учун ягона ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 1997 йил 24 апрелда қабул қилинди ва 1998 йил 1 январдан кучга кирди. Мазкур кодекснинг кучга кириши билан солиқ ислохотларининг **учинчи босқичи** бошланди.

Солиқ кодексининг қабул қилиниши солиқ қонунчилигини мустақамлабгина қолмай, солиқларни маҳсулотларни экспортини, импорт товарлар ўрнига маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, ногиронларни ишлаб

¹ Жўраев А.С. Солиқ ҳуқуқи асослари. –Т.: Илм-зиё, 2012. –Б.19.

чиқаришда қатнашишини, меҳр-мурувват ишларни рағбатлантириш вазифасини кучайтирди.

Солиқ ислохотининг учинчи босқичи 1998 йилдан 2008 йилга қадар давом этди. Бу босқични солиқ тизимини соддалаштириш концепциясининг бошланиш даври деб аташ мумкин.

Бу босқичда солиқ тўловчи юридик шахсларга имкони борица соддалашган, ихчамлашган солиқ тизими жорий этилиб, уларнинг солиқ ҳисоблари, ҳисоботларини, солиқ тўлаш муддатлари соддалаштирилди.

Хусусан, соддалаштирилган солиқ тўлашга ўтишнинг ҳуқуқий асосларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон Фармони¹ бўлиб, унга биноан, қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди. Мазкур Фармонга биноан, ягона ер солиғи амалдаги барча умумдават солиқлари (акциз солиғидан ташқари) ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган куйидаги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига жорий этиладиган бўлди:

- даромад (фойда) солиғи; қўшилган қиймат солиғи (товарлар импорти бундан мустасно); сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; ер остидан фойдаланганлик учун солиқ; мол-мулк солиғи; ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бож тўлови, давлат божи, лицензия йиғимлари, давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.

Бундан ташқари, 1999 йилдан бошлаб, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик корхоналар учун ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимида ўтишни қўллаш тўғрисида”ги қарорга асосан (1998 йил 15 апрель, 159-сон) 1998 йилдан бошлаб ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо ва ижтимоий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (1153-сон, 10 апрель 1998 йил) билан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари 1998 йилдан бошлаб ялпи даромаддан солиқ ва мулк солиғини тўлайдиган бўлди.

Солиқ тизимини соддалаштириш солиқ ҳисобловчи ходимлар, давлат солиқ идоралари ва банк ходимларининг кўп минглаб соат вақтларини иқтисод қилишга, уларни корхоналар фаолияти таҳлилига бағишлашга имконият яратмоқда.

¹ Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами, 1998. - № 10-11. - 202-модда.

Мустақиллик йилларида солиқ тизимини ривожлантириш ўзининг натижасини аста-секин бериб бормоқда. Кичик корхоналарнинг мамлакат ички маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги салмоғи ортиб бормоқда.

Солиқ кодекси амалга киритилиши билан солиққа тортишнинг барча асос бўлувчи меъёрларини ягона ҳужжатга жамлаш; солиқ имтиёзларини тизимлаштириш; фойда, мол-мулк, қўшилган қийматни ҳисобга олиш ва солиққа тортишнинг халқаро тизимини жорий этишга имкон яратилди.

Учинчи босқичда юридик шахсларга, биринчи навбатда кичик ва ўрта корхоналар учун солиққа тортиш, ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг соддалаштирилган тизими барпо этилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий асосда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар жамланмаси ўрнига ягона солиқ тўлай бошладилар. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори билан кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби тасдиқланди.

2002 йилдан бошлаб давлат солиқ сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналардан солиқ юкини янада камайтира бориш, четга қатъий алмаштириладиган валютада маҳсулотларни экспорт қилганларга ҳам даромадга (фойдага) солиқдан, ҳам мол-мулк солиғидан пасайтирилган регрессив солиқ ставкаси қўллаш сиёсатини юргизиш жорий этила бошланди. Солиқлар тизимида тўғри солиқлар салмоғини камайтира бориш ва эгри солиқлар салмоғини оширишга мўлжалланган сиёсат юритиш кўзда тутилган. Шу билан бирга солиқ қонунчилиги такомиллаштирила борилди, ҳамма солиқлар бўйича йўриқнома ва низомлар қайтадан ишлаб чиқилди.

2003 йилдан бошлаб самарасиз, бюджетга тушушини кийинлаштирадиган қуйидаги солиқлар ва тўловлар бекор қилинди. Булар: реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотиш солиғи, меъёридан ортиқ сотилмаган тайёр маҳсулот қолдиғи учун 2 фоизли ҳақ ҳамда табиатни ифлослантирувчи чиқиндиларни жойлаштириш учун ҳақлардир.

Мамлакатимиз солиқ тизимини такомиллаштиришнинг **тўртинчи босқичи** 2008 йилдан бошланди. Айнан ушбу йилдан 2007 йил декабрь ойида қабул қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси кучга кирди. Мазкур кодекс 21 бўлим, 64 боб ва 392 моддадан иборат бўлиб, Кодекс солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб, амалиётга жорий этилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси солиқ сиёсатини шакллантиришда тўпланган жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндошув ва тамойилларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилиб, солиққа тортиш масалаларида асосий қонуний ҳужжат ҳисобланади ва унинг асосий концептуал йўналишлари солиқ қонунчилигини янада соддалаштириш, солиқларни унификациялаш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш, солиқ қонунчилигини

тартибга солувчи барча меъёрий ва қонуности ҳужжатларини ягона ҳужжатга тизимлаштиришдан иборат бўлди.

БМТ у ёки бу халқаро дастурлар доирасида бозор ислоҳотларини ўтказаетган ва ўз иқтисодиётини ўзгартираётган мамлакатларга ёрдам ва кўмак кўрсатиш бўйича муайян лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш тадбирларини амалга оширмоқда. Айнан шундай чоралардан бирини Халқаро солиқ дастури доирасида амалга ошириш пайтида намунавий Халқаро солиқ кодексини тайёрлаш фикри пайдо бўлди. Унинг асосий мақсади ислоҳотлар йўлидаги мамлакатларга солиқ муносабатларини илмий асосда тартибга солишга, ягона терминология ва бир хил талқин қилишни яратишга имкон беришдир. Халқаро солиқ кодекси асослари шаклидаги ҳужжат 1993 йилда тайёрланган ва чоп этилган эди. Ушбу кодекс 300га яқин саҳифани эгаллайди ва 591 модда ва уларга изоҳларни ўз ичига олган. Халқаро солиқ кодексининг муаллифлари (Гарвард университети мутахассислари У.М.Хосси, Д.С.Любик) қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш – солиқ ислоҳотларидаги биринчи қадам деб ҳисоблашади. Ушбу кодекс матнидан осонгина у ёки бу солиққа доир низомларни чиқариб олиш мумкин.

Шунингдек, солиққа тортиш борасида мувофиқлаштириш масаласи МДҲ доирасида ҳам анчагина муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш тўғридан тўғри МДҲ давлатлари ҳукумат бошлиқлари кенгаши қарорига мувофиқ тузилган солиқ хизмати раҳбарлари мувофиқлаштирувчи кенгаши (СХРМК) зиммасига юкланган. Ушбу кенгаш томонидан солиққа тортишни мувофиқлаштириш йўлида солиқ қонунчилигини ўзгартириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда МДҲ давлатларининг умумий Солиқ кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиниш кутилмоқда¹.

1.2.Хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини

солиқлар воситасида бошқариш ва унинг асосий функциялари

Ҳозирги замон давлатларининг барчасига хос бўлган хусусиятлардан бири – бу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олиниши ҳисобланади. Зеро, давлатнинг ҳарбий-мудофаа, ижтимоий-иқтисодий, бошқарув, маданий-маънавий соҳаларидаги фаолиятини моддий-молиявий жиҳатдан таъминлаш, давлат органлари бир меъёردа ишлашига эришишнинг асосий манбаи юридик ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган турли-туман солиқлар, мажбурий тўловлар ҳисобланади. Шу сабабли давлат солиқ тизимларини аниқ, самарали ишлаши, солиқ тўловчиларнинг эса солиқ тўлашга оид конституциявий мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ бажаришлари мамлакат иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи қудратли омиллардан саналади. Давлатнинг ҳарбий-мудофаа, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа дастурларини муваффақиятли бажарилиши, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши, маданият, фан

¹ Жўраев А.С., Ортиқов Н.А. Солиқ ҳукуқи. –Т.:Илм-зиё, 2012. 127,129,141-бетлар.

ва техника тараққиётини таъминланиши кўп жихатдан жорий этилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида, тўла ҳажмда давлат хазинасига келиб тушишига, давлат бюджети даромад қисмининг ижро этилишига боғлиқдир¹.

Ушбу вазифаларни бажарилишида хўжалик субъекти бўлган юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар етакчи ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12-моддасига мувофиқ, солиқлар деганда мазкур кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда ушбу кодексида белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади.

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий сиёсат фискал (давлат хазинасини тўлдириш) мақсадидан бошқа бир қатор иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий функцияларни ҳам кўзлайди. Солиқлар воситасида иқтисодиётни рағбатлантириш, чеклаш, тартибга солиш, назорат қилиш, бошқариш каби функциялар бажарилади.

Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси иқтисодиётнинг муайян секторларини устувор ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб топилганида амалга оширилади. Масалан, мамлакатга чет эл инвестициясини кенгрок жалб этиш мақсадида қўшма корхоналарда чет эллик шериклар ҳиссаси кўпроқ бўлиши рағбатлантирилади ва бу кўрсаткичнинг ортиши солиқ имтиёзини кенгайтиришига сабаб бўлади. Ёки бўлмаса хўжалик юритувчи субъект ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни қанчалик кўпроқ экспортга йўналтирса, шунчалик кўпроқ солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконига эга бўлади ва бошқалар.

Солиқларни чеклаш функцияси маҳсулотлар ва хизматларнинг муайян турларини вақтинча камайтириш, ушбу сектордаги моддий, молиявий ва бошқа ресурсларни бошқа йўналишга буриш эҳтиёжи туғилганида иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг иқтисодий усули сифатида қўлланилади. Масалан, чакана савдо-сотиқни жуда ҳам кенг ёйилиши ва айни пайтда ишлаб чиқариш тармоқларидаги турғунлик, моддий ишлаб чиқаришни янада авж олдириш зарурати товар бозорларида муайян чеклашлар қўлланилишига, солиқлар миқдорини у ерда сезиларли кўпайтирилишига сабаб бўлди.

Солиқлар тартибга солиш функциясини ҳам бажаради. Солиққа оид қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ солиш

¹ Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик(тадбиркорлик) ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.176.

объектлари саналувчи молиявий ва бошқа операцияларни ҳисоб-китобини юритиш, ҳисоботлар тақдим этиш, солиқларни тўлаш тартибларини белгилаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ривожлантиришда хориж мамлакатларининг солиқ тизимини танқидий ўрганиш, айниқса, ривожланган мамлакатларда солиқ тўловчилар фаолияти устидан солиқ назоратини ташкил қилиш ва юритиш усуллариини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, хориж мамлакатларида солиқ назоратининг “жойларга чиқиб текшириш” усулига нисбатан дистанцион назорат қилиш усуллари яхши ривожланган.

Солиқларнинг асосий функцияларидан бири **назорат қилиш функцияси** саналади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик фаолиятини, солиққа тортиладиган объектларни тўғри ва тўлиқ ҳисобга олиб борилиши, тегишли солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида, тўла ҳажмда бюджетга тўланиши давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилиб борилади.

Солиқлар бошқариш функциясини ҳам бажаради. Бу функцияни рўёбга чиқиши муайян туман(шаҳар), вилоят, бутун мамлакат миқёсида давлат бюджети даромад қисми ижросини ташкил этиш, турли солиқлар ва мажбурий тўловларни бюджетга келиб тушишини бошқариш, ушбу жараёни умумлаштириш, таҳлил қилиш, зарур ҳолларда тегишли усуллар ҳамда воситалар билан унга таъсир қилиш чоғида кўзга ташланади.

Солиқлар хазинани тўлдириш (фискал), рағбатлантириш, тартибга солиш, назорат қилиш воситаси сифатида қўлланилар экан, муайян тамойилларга таянилган ҳолда қўлланилади. Солиққа оид муносабатларда қуйидаги тамойилларга амал қилинади:

1. Солиқларнинг умумийлиги, яъни бир хил иқтисодий ва юридик статусга эга бўлган хўжалик субъектлари умумий асосларда солиққа тортиладилар, уларга имтиёзлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар ва тартиблардагина берилиши мумкин;

2. Солиқларни қонун асосида ва ошкора тарзда жорий этилиши. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ваколат берган ҳолларда солиқларнинг айрим турлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳам белгиланиши мумкин.

Солиқ тури, унинг миқдори, тўловчилари, тўланиш тартиби ошкора тарзда олдиндан белгиланганлиги, бу соҳада ўзбошимчаликларга йўл қўйилмаслиги, солиқ демократизмининг энг муҳим кафолатларидан бўлиб ҳисобланади;

3. Солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектининг хўжалик мустақиллигига эга эканлиги, солиқ суммасини ҳеч кимнинг аралашувисиз эркин равишда ҳисоблаб чиқиши, бюджетга тўлаши, унинг солиқ соҳасидаги ички ишларига ҳеч кимни аралашувига йўл қўйилмаслиги;

4. Солиқларни жорий этиш фаолияти билан солиқларни тўплаш фаолиятини бир-биридан қатъий ажратилганлиги. Яъни солиқлар давлат қонунчилик ҳокимияти органлари томонидан ўрнатилиши, солиқларни тўплаш (солиққа оид қонунларнинг ижросини таъминлаш) ижроия органлар томонидан амалга оширилиши ва бу давлат органларининг бир-бирларининг ишларига аралашмасликлари;

5. Солиқлар жорий этилиши, солиқ қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратнинг амалга оширилиши;

6. Солиқлар тўланишининг, солиққа оид қонун ҳужжатлари бузилиши учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;

7. Солиқлардан тадбиркорликни, иқтисодийни рағбатлантирувчи восита сифатида кенг фойдаланилиши. Булардан ташқари, солиқ муносабатларида демократизм, инсонпарварлик, қонунийлик, ижтимоий адолатни қарор топтирилиши каби умумҳуқуқий тамойиллар ҳам тўла амал қилади.

1.3.Хўжалик фаолиятига солиқлар орқали таъсир этиш тушунчаси, мақсади ва воситалари

Бутун дунё молиявий инқироздан кейинги ўнгланишларни бошидан кечираётган бир пайтда солиқ сиёсатида ҳукуматимиз томонидан бу қадар катта имтиёзлар берилиши юртимизда тадбиркорликни, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакат иқтисодий ҳаёти ва хўжалик фаолиятига давлат йўли билан таъсир этишнинг энг самарали усулларида бири – уни солиқлар орқали бошқаришдир. Давлат хўжалик-тадбиркорлик фаолиятига таъсир ўтказиш чоғида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, фискал мақсадларга эришиш, қонунлар билан белгилаб қўйилган тартиб қоидаларга риоя этилишини назорат қилишга интилади.

Давлатнинг ихтиёридаги иқтисодий ҳамда ҳуқуқий механизм сифатида солиқлар орқали тартибга солиш ўзига хос белгилар ҳамда хусусиятларга эга. Бунда энг аввало солиқларнинг мажбурийлиги, яъни хўжалик субъекти давлатга итоат этиши лозим эканлиги ва у солиқ тўлаш-тўламаслик масаласини ўз хоҳишига кўра ҳал қила олмаслиги назарда тутилмоғи лозим. Тадбиркор муайян хусусиятларга эга бўлган чоғдан бошлаб (масалан, даромад олиши, мулкка эга бўлиши, ерга эгалик қилиши ва бошқалар) ўз-ўзидан солиқ тўловчига айланади ҳамда солиқ юзасидан тегишли мажбуриятларга эга бўлиб қолади.

Солиқларнинг яна бир белгиси – солиқлар эвазига ҳеч бир ҳақ ёки имтиёз бериш кўзда тутилмаганлигидир. Давлат бутун жамиятнинг ҳаёт фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлар экан, солиқ тўловчига бевосита у тўлаган солиқ эвазига бирон-бир тарзда ҳақ тўлаш ёки қандайдир хизмат кўрсатиш мажбуриятини ўзининг зиммасига олмайди.

Солиқлар қайтариб олинмаслик шарти билан солиқ тўловчилар томонидан тўланиши, яъни хўжалик субъектларидан тўпланган солиқлар шахси номаълумлаштирилгани ҳолда давлат хазинасига, унинг мутлақ эгалигига ўтади, уни келгусида қайтариб берилиши ёки қандайдир тарзда компенсация қилиниши эҳтимоли мавжуд бўлмайди.

Солиқлар маъмурий ёки жиноий тартибда қўлланиладиган жарималардан, юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган иқтисодий (молиявий) чоралардан фарқ қилиб, жазо бўлиб ҳисобланмайди ва содир этилган ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракати учун жавобгарлик чораси эмас. Солиқлар бу – хўжалик фаолияти олиб борилганлиги учун хўжалик субъектлари томонидан давлат фойдасига амалга ошириладиган тўлов, миллий даромаднинг муайян қисми давлат эҳтиёжлари учун жалб этилиш усулидир.

Хўжалик субъектларига солиқлар орқали таъсир ўтказиш мулкни унинг эгасидан давлат фойдасига олишнинг алоҳида усули сифатида хўжалик субъекти томонидан марказий ёки маҳаллий бюджетга пул шаклида тўловлар тўлаши тарзида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 9-моддасига кўра: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўмда ҳисоблаб чиқарилади”.

Хўжалик фаолиятига солиқлар орқали таъсир қилиш тартибга солиш ҳамда назоратни ҳам ўз ичига қамраб олади. Тартибга солиш қонунчилик соҳасига тааллуқли бўлиб, Ўзбекистонда солиқ масалаларига оид қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг кўп сонли тизими мавжуд. Улардан энг муҳимлари қаторига Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари¹, Ўзбекистон Ҳукумати қарорлари², идоравий меъёрий ҳужжатлар³ ва бошқалар киритилиши мумкин.

Хўжалик фаолиятига солиқлар воситасида таъсир ўтказишни ҳуқуқий тартибга солиш икки гуруҳни қамраб олувчи ягона тизимдан иборат.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикасида солиқ ва солиққа тортишнинг умумий қоидаларига, солиқ тизими, унинг элементлари, солиқ органлари, солиқ тўловчилар ҳамда уларнинг солиқ муносабатларидаги мавқеига (ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарликлари) ва бошқа масалаларга тааллуқли тушунчалар, принципларни назарда тутувчи нормалар киритилган.

Иккинчи гуруҳ эса республика ва марказий солиқларнинг айрим турларини жорий этилиши, ҳисоблаб чиқарилиши, тўланиши, улар юзасидан имтиёзлар ва бошқа масалаларни акс эттирувчи қоидаларни назарда тутди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 июль “Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармони.

²Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2001 йил 31 декабрь 490-сонли “Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида”ги қарори.

³Адлия вазирлигида 2002 йил 2 мартда 1109-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахслар даромадлари (фойдаси)дан бюджетга солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилгунга қадар (1998 йил 1 январгача) бир қатор солиққа оид қонунлар мавжуд эди ва улар воситасида солиқларнинг айрим турларини ҳисоблаб чиқиш, тўлаш тартиблари, солиққа тортишга оид бошқа муносабатлар тартибга солинар эди.

Бугунги кунда солиқ ва солиққа тортиш масаласига оид ўнлаб йўриқномалар, юзлаб хат, тушунтириш, кўрсатмалар, ўнлаб фармонлар ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, улар ёрдамида солиққа тортишнинг турли масалалари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб келинмоқда. Айрим ҳолларда йўриқнома хусусиятига эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Солиқ кодекси ва бошқа қонунларга зид тарзда қабул қилиш ҳоллари мавжуд. Бундай ҳол мамлакат иқтисодий тараққиётига солиқлар орқали таъсир ўтказиш самарадорлигини пасайишига, қонунийлик, ижтимоий адолат принципларини бузилишига олиб келиши мумкин.

Давлат солиқлар орқали иқтисодиётга, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир ўтказишни амалга оширар экан, бир неча муҳим вазифаларни кўзлагани ҳолда ҳаракат қилади. Булардан энг муҳим ва бош вазифа – бюджетни маблағ билан тўлдириш – фискал мақсаддир. Давлат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга жалб этар экан, ўзининг бошқа йўналишлардаги – мудофаа, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий соҳани ва бошқа йўналишлардаги фаолиятини молиявий маблағ билан таъминлашга эришади, тўлов қобилиятини зарур даражада сақлаб туради.

Тартибга солишга қаратилган вазифанинг бажаралиши солиқ юкини тўловчилар ўртасида адолатли тарзда тақсимлаш, шу йўл билан у ёки бу тармоқ ёки ҳудудни ривожлантирилиши учун шароит яратиш, тадбиркорларнинг у ёки бу гуруҳини қўллаб-қувватлаш мақсадларини кўзлайди. Солиқлар соҳасида имтиёзлар ёки чеклашлар шаклидаги мурувватлардан оқилона фойдалангани ҳолда хўжалик фаолиятининг айрим турлари учун қулай иқтисодий шароитлар яратади ёки унинг муайян турлари суръатини пасайтиришга ҳаракат қилади.

Ўзбекистонда солиқлар орқали иқтисодий ҳаётга таъсир ўтказиш пайтида давлат манфаатларини айрим шахс, бутун жамият манфаатларидан устунлиги принципига амал қилинади, давлат жамият имкониятларидан ўзининг мақсадлари йўлида фойдаланади. Бироқ, бугунги кунда бу принципга асосланувчи муносабатларга барҳам бериш, давлат ва жамият, давлат ва айрим шахс манфаатларини ўзаро уйғунлаштириш, бу манфаатлар ўртасида антогонизм бўлишига йўл қўймаслик долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Чунки айрим шахс, бутун жамият манфаатлари, имкониятлари ҳисобга олинмайдиган солиқ сиёсати охир оқибатда социал портлашлар, ижтимоий нобарқарорлик хавф-хатарини юзага келтириши аниқ. Ҳозирги замон тараққиёти давлатнинг жамият ва шахс манфаатларига зид келувчи ўзга манфаатлари бўлиши мумкинлигини тақозо этмайди. Давлат жамиятга зарур бўлганлиги учунгина ва шу сабабли жамият давлат

қўлида қурол бўлиб хизмат қилиши эмас, аксинча, у жамият олдида турган глобал вазифаларни бажариш қуроли бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу принциплар рўёбга чиқарилган тақдирдагина нормал солиқ муносабатлари вужудга келиши мумкин.

Давлат солиқлар орқали хўжалик фаолиятига таъсир ўтказиш чоғида хусусий мулк муқаддас ва дахлсиз эканлигини диққат марказида сақлаш керак. Хўжалик фаолиятига солиқлар орқали таъсир қилиш бу жараёни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш йўли билан амалга оширилади. Хўжалик фаолиятига солиқ йўли билан таъсир қилиш қонунчилик ричагларида фойдаланилгани ҳолда амалга оширилади. Уни қонунчилик йўли билан тартибга солиш ижроия органлари томонидан назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Солиқ тўловчиларга таъсир ўтказишнинг энг самарали воситаларидан бири – текширишдир. Текширишлар уч босқичда амалга оширилиши белгиланган. Биринчи босқичда солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар ҳамда ҳужжатларни ўрганиш – таҳлил қилиш орқали текшириб чиқилади.

Текширишнинг иккинчи босқичида аввал тўланган солиқлар, улар юзасидан ҳисоботлар текширилади. Бунда тўланган солиқлар билан ҳужжатлар ўзаро солиштирилади, таҳлил этилади. Солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон шаклда топширилиши ҳисоботларни топширишнинг бошқа усуллари(почта алоқаси орқали.ю давлат солиқ хизмати органига бевосита ташрифи орқали)га нисбатан қуйидаги устунликларга эга:

-солиқ тўловчиларнинг ҳисобот топшириш учун кетадиган вақтлари тежалади;

- ҳисоботларни топшириш билан боғлиқ харажатлар камаяди;

- ҳисоботларнинг бевосита ташрифи асосида қабул қилинишида юзага келиши мумкин бўлган субъектив таъсирлар, жумладан, хизмат мансабини сууиистеъмол қилиш, таъмагирлик каби иллатларнинг олди олинади. Мисол учун биргина 2007 йилда ҳисоботларни электрон шаклда топширувчилар сони уларнинг 15 фоизини ташкил қилган¹.

Давлат секторига мансуб бўлган корхоналарнинг фаолияти кўпчилик ҳолларда хусусий сектор корхоналарига нисбатан самарасиз бўлади. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини ошишига, истеъмол бозорини товарлар билан тўлдирилишини таъминлашга, ишсизлик муаммосини ҳал қилишга, ўрта ҳамда узоқ муддатли даврий оралиқларда солиқ тушумларини кўпайтиришга сезиларли даражада ҳисса қўшади. Масалан, 20-асрнинг 70-йиллари охирида Буюк Британияда давлат секторига мансуб бўлган корхоналарнинг сезиларли қисми молиявий йилни зарар билан якунлади².

¹ Солиқ сиёсати - ислохотлар даврида.Б.Парпиев таҳр.остида. –Т.:ДСҚ, 2007. –Б.24-25.

² Жўраев А.С., Ортиков Н.А.Солиқ ҳуқуқи. –Т.:Илм-зиё, 2012. –Б.79.

Текширишнинг учинчи босқичида солиқ хизмати органи ходимлари жойга (тегишли корхона, ташкилотга) чиқиб, аҳволни ўрганиш, кўздан кечириш, ҳужжатларни ўрганиш ишларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ривожлантиришда ривожланган мамлакатларда солиқ тўловчилар фаолияти устидан солиқ назоратини ташкил қилиш ва юритиш усуллари жорий этиш ишларини тезлаштириш лозим. Хусусан, солиқ назоратининг “жойларга чиқиб текшириш” усулига нисбатан дистанцион назорат қилиш усуллари жорий этиш зарур. Масалан АҚШда DIF тизими бўйича танлаш мезони солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бажариш таҳлили дастури (TCMP)асосида аниқланади. АҚШда солиқ ҳисоботини текширишнинг ўртача миқдори жуда паст ҳисобланади. Мисол учун солиқ текширувига тушиш эҳтимоли 90-йилларда АҚШда юридик шахслар учун 2,05 фоизни ташкил қилган.

Ғарб экспертларининг маълумотларига қараганда, ялпи миллий маҳсулотда хуфий иқтисодиётнинг ҳажми Белоруссияда 18-25, Болгарияда 29-32, Қозоғистонда 35-40, Россияда 40-45, Украинада 45-48, Озарбойжонда 58-68, Грузияда 64-69 фоизга тенг¹.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунида текширишларнинг асосий принциплари, текширишларга қўйиладиган талаблар белгилаб берилди.

Мазкур қонуннинг 4-моддасида хўжалик фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шакллари кўрсатиб қўйилган. Қонуннинг 9-моддасида эса корхоналарни текшириш ўтказилишидан аввал ваколатли мувофиқлаштирувчи органдан рухсат олиниши кераклиги айtilган.

Хўжалик субъектларига солиқлар орқали таъсир этиш солиқлар, мажбурий тўловлар олиш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Солиқ муайян таркибий элементларни ўз ичига олувчи мураккаб ҳуқуқий-иқтисодий конструкциядир. Солиқ элементлари бўлиб қуйидагилар саналади:

а) солиқ объекти; б) солиқ солиш предмети; в) солиққа тортиш базаси; г) солиқ манбаи; д) солиқ солиш бирлиги; е) солиқ ставкаси; ж)солиққа тортиш даври; з) солиқ тўлаш муддатлари; и) солиқ тўловчилар.

Солиқ солиш объекти – солиққа тортиш предмети юзасидан солиқ муносабатлари субъектлари ўртасидаги юридик алоқалардан иборат. Солиқ солиш объекти бўлиб мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқ, фойда, маҳсулотнинг қиймати ва бошқалар ҳисобланади.

Солиққа тортиш предмети деганда, солиқ тўловчида бўлган муайян ҳуқуқлар (мулкка, товарга ва бошқалар) тушунилади.

Солиқ солиш базаси бўлиб, солиққа тортиш предметининг миқдор кўрсаткичи, солиқ солиш учун ҳисоблаб чиқилган кўрсаткич ҳисобланади. Солиқ базислари бўлиб одатда портлар, иқтисодий зоналар, эркин тадбиркорлик зоналари ва бошқалар ҳисобланади. Бу зоналарда чет эл

¹ Жўраев А.С., Ортиков Н.А.Солиқ ҳуқуқи. –Т.:Илм-зиё, 2012. –Б.116.

инвестициялари ва тадбиркорлик фаолиятининг жалб қилинишини рағбатлантирадиган солиққа тортишнинг махсус режими амал қилади. Биргина ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарига келиб, дунё бўйича 1200 га яқин эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатар эди¹.

Солиқ манбаи – солиқ тўланадиган мулкдан иборат. Улар фойда ва капиталдир.

Солиқ солиш бирлиги солиққа тортиш пайтида солиқ солиш базасини аниқлашга хизмат қилувчи моддий кўрсаткичлардан иборат.

Солиқ ставкаси бўлиб муайян фоизларда, аниқ суммаларда ёки бошқа кўрсаткичларда конун билан белгиланган солиқ солиш базасига нисбатан миқдордаги кўрсаткич саналади.

Солиққа тортиш даври – солиқ мажбурияти юзага келадиган вақт бўлагидан иборат. Солиққа тортиш даври йил, йил чораги кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Солиқ тўлаш муддати деганда, солиқ тўловчи мажбуриятини бажариши ва тегишли бюджетга солиқ тўлаши лозим бўлган вақт тушунилади.

¹Жўраев А.С., Ортиқов Н.А.Солиқ ҳуқуқи. –Т.:Илм-зиё, 2012. –Б.135 .

II БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ ТАЪСИР ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1.Хўжалик(тадбиркорлик) фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш

Давлат солиқлардан фойдалангани ҳолда хўжалик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солар экан, муайян ҳуқуқий муносабатлар юзага келишига сабаб бўлади. Бу муносабат юридик муносабатлар бўлиб, солиқлар, бошқа мажбурий тўловларни ундириш чоғида, уларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш, бу фаолият устидан назорат олиб бориш чоғидаги алоқаларни ҳуқуқий бошқариш билан боғлиқ равишда юз берувчи ижтимоий алоқалардан иборатдир.

Солиқлар орқали хўжалик фаолиятига таъсир ўтказишга оид ҳуқуқий муносабатлар объектлари бўлиб солиқ тўловчиларнинг мулкӣ ёки бошқа ҳуқуқлари, солиққа оид мажбуриятлари ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий муносабат субъектлари, бу – давлат солиқ хизмати идоралари, уларнинг мансабдор шахслари бир томондан ва солиқ тўловчи юридик шахслар, бошқа тадбиркорлар иккинчи томондан ҳисобланади. Солиққа оид муносабат субъектларининг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари унинг мазмунини ташкил қилади.

Солиқлар орқали хўжалик фаолиятини бошқариш муносабатларида давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари¹, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қошидаги Солиққа ва валюта жиноятлари ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти² қатнашади. Бундай муносабатларнинг иккинчи томони ҳар доим жисмоний ва юридик шахслар – солиқ тўловчилардан иборат бўлади. Корхона ва ташкилотлар ўзлари билан меҳнат муносабатида бўлиб турган ходимлари, қимматли қоғозлар дивидендларини олаётган жисмоний ва юридик шахсларга тўловлардан тегишли солиқларни ушлаб қолиш, уларни бюджетга ўтказиш пайтида фискал агентлар сифатида иш юритадилар, ўзга шахсларнинг даромадларидан солиқларни ундирадилар ва ундирилган суммаларни бюджетга ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш, солиқларни ҳисоблаб чиқиш, ундириш, солиқ қонунчилигига амал қилинишини назорат қилиш соҳасидаги ягона давлат органлари тизимини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасидаги Бош бошқармалари, вилоятлардаги давлат солиқ бошқармалари, туманлар,

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонун. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, №17, “Адолат”, 1998, 64-бет.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сон “Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларда давлат солиқ инспекциялари ягона солиқ тизимини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-359-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-4589-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2099-сонли қарорлари билан 2014 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларига қатор ўзгаришлар киритилди¹. Хусусан,

I. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича:

1)Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 7-иловасига мувофиқ тасдиқланди. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 1 фоизли пунктга пасайтирилди ва 8 фоиз қилиб белгиланди. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (фойда солиғини 8 фоиз ставкада тўлаш кўзда тутилганлар) учун пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича белгиланган ставкани камайтирилишига ўзгартириш киритилиб, 2013 йилдаги 10 фоиз ўрнига ставкани 5 фоизга камайтирилиши белгиланди.

2) Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи бўйича 2013 йилда амал қилган, реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг эркин алмаштириладиган валютадаги экспорти улушига боғлиқ ҳолда солиқ солишнинг регрессив шкаласи сақланиб қолинди.

Экспорт улуши:

- сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;
- сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда, белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади.

3)Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 35 фоиз миқдорида белгиланган.

4) Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга солиқ ставкаси 10 фоиз миқдорида сақланиб қолинган.

¹ www.soliq.uz, www.mf.uz, www.customs.uz интернет саҳифалари асосида тайёрланди.

II. Ягона солиқ тўлови бўйича:

1) Ягона солиқ тўловининг ставкалари микрофирмалар ва кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 9-1-иловасига мувофиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун 9-2-иловасига мувофиқ ҳамда корхоналарнинг алоҳида тоифалари учун 9-3-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги **микрофирмалар ва кичик корхоналар** учун **ягона солиқ тўлови ставкаси** 2013 йилги даражада – 6 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2013 йилги даражада – 5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

2) Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар учун 5 фоиз миқдорида ставкалар сақланиб қолинди.

3) Экспорт қилувчи кичик корхоналар (микрофирмалар) учун ягона солиқ тўлови бўйича 2013 йилда амал қилган, реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг эркин алмаштириладиган валютадаги экспорти улушига боғлиқ ҳолда солиқ солишнинг регрессив шкаласи сақланиб қолинди

4) Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 30 фоиз миқдорида белгиланган.

5) Қуйидаги **микрофирма ва кичик корхоналар** учун:

- тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар бундан мустасно) ҳисобланадиган, шунингдек воситачилик, топшириқ шартномаси ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 33 фоиз миқдорида;

- қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 13 фоиз миқдорида белгиланди.

Бунда ушбу бандда кўрсатилган микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ солинадиган база ҳақ суммаси (ялпи даромад) кўринишида аниқланади.

6) Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини реализация қилиш учун турғун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган (ижарага

беришдан олинадиган даромад 60 фоиздан юқори бўлган) корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2013 йилги даражада – солиқ солинадиган базага нисбатан 30 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

7) Умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 10 фоиз, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари учун эса – солиқ солинадиган базага нисбатан 8 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

8) Қуйидаги жойларда жойлашган чакана савдо корхоналари учун (бундан чакана дорихона ташкилотлари мустасно):

- аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда – ягона солиқ тўлови ставкаси 4 фоиз миқдорида сақланиб қолинди;
- бошқа аҳоли пунктларида – ягона солиқ тўлови ставкаси 2 фоиз миқдорида сақланиб қолинди;
- бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда – ягона солиқ тўлови ставкаси 1 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

9) Улгуржи савдо корхоналари учун (бундан улгуржи дорихона ташкилотлари мустасно) жойлашган жойидан қатъи назар ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

10) Хизмат кўрсатиш соҳаси, умумий овқатланиш ва савдо корхоналари 2014 йил 1 январдан бошлаб, пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда реализация қилинган товарлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми бўйича белгиланган ставкани камайтирилиши ўзгартирилиб, 2013 йилдаги 10 фоиз ўрнига ставкани 5 фоизга камайтирилиши белгиланди.

11) Ягона солиқ тўлови тўловчилар учун (чакана савдо корхоналари бундан мустасно) ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблашда ягона база этиб, улар эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч карра миқдоридаги сумма белгиланиши сақланиб қолинди. Бунда чакана савдо корхоналари учун айнан шу турдаги фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан келиб чиқиб ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаш тартиби сақланиб қолинди.

12) Лотореялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар (мазкур фаолият тури доирасида) учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 33 фоиз миқдорида белгиланган.

III. Қатъий белгиланган солиқ бўйича:

1) 2014 йил 1 январдан бошлаб, бошқа аҳоли пунктларида газета, журнал ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ЭКИХнинг 2 баробаридан 0,5 бараварига пасайтирилди. Бошқа фаолият турлари бўйича якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2013 йил даражасида сақлаб қолинди.

2) Қатъий белгиланган солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошига – 2014 йил 1 январга белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (96 105 сўм) келиб чиқиб

аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилмайди.

IV. Қўшилган қиймат солиғи бўйича:

1)ҚҚС ставкаси 20 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

V. Акциз солиғи бўйича:

1)Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 12-1 ва 12-2-иловаларига мувофиқ тасдиқланди.

Акциз солиғи ставкалари республикада ишлаб чиқариладиган табиий винога – 5 фоизга, қувватланган винога – 15 фоизга, спирт, пивога – 20 фоизга, коньяк, ароқ ва бошқа алкоголь маҳсулотларига – 25 фоизга, филтрли, филтрсиз сигаретлар ва папиросларга – 30 фоизга, ўсимлик (пахта) озиқ-овқат ва техник ёғига – 10 фоизга индексация қилинди.

VI. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

1)Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2013 йилда амал қилган солиқ ставкалари 1,2 бараварга индексация қилинди.

VII. Мол-мулк солиғи бўйича

1)2014 йилнинг 1 январидан бошлаб, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 17-иловасига мувофиқ 2013 йилдаги 3,5 фоиз ўрнига 4,0 фоиз миқдорида белгиланди.

2)Белгиланган муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки баравар ставкада тўланади.

VIII. Ер солиғи бўйича:

1) Ер солиғи ставкалари 2013 йилда амал қилган солиқ ставкалари ўртача 1,2 бараварга индексация қилинди.

2) 2014 йил 1 январдан бошлаб, қарорнинг 19-илоvasи 5-жадвалига мувофиқ, Тошкент шаҳри зоналари бўйича белгиланган ер солиғи ставкалари унификация қилиниб, амалдаги 14 та зона ўрнига 5 та зона белгиланди.

IX. Ягона ер солиғи бўйича:

1) Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 20-илоvasига мувофиқ тасдиқланди. Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиқиб ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи ставкаси 2013 йил даражасида – қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматига нисбатан 6 фоиз миқдорида сақланиб қолинди. Бунда жамоат иморатлари ва ҳовлилари билан банд бўлган ерлар бўйича баҳолаш 2,0 коэффицентини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Белгиланган мезонларга мувофиқ ягона ер солиғи тўловчилари жумласига кирувчи балиқчилик хўжаликлари ягона ер солиғини суғориладиган ерларнинг туман бўйича ўртача норматив қийматидан келиб чиқиб тўлайди.

Х. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 21-иловасига мувофиқ, 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган миқдорлари қуйидагича белгиланди:

А) Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи соф фойданинг 8 фоизи миқдорида сақланиб қолинди.

Б) Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкалари қуйидагича белгиланди:

- бензин ёқилғиси – 1 литр учун 265 сўм / 1 тоннага 352 000 сўм;
- дизель ёқилғиси - 1 литр учун 265 сўм / 1 тоннага 322 000 сўм;
- суюлтирилган газ – 1 литр учун 180 сўм;
- сиқилган газ – 1 куб метр учун 220 сўм.

ХІ. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар бўйича:

1)Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўлов объектлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 22-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

2)Республика йўл жамғармасига йиғим Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Украинада ишлаб чиқарилган, ихтисослаштирилган савдо тармоғида харид қилинадиган янги автотранспорт воситалари бўйича – харид қийматининг 3 фоизидан кам бўлмаслиги белгиланди.

3)Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар ставкаси 2013 йил даражасида 1,6 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

4)Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар ставкаси 2013 йил даражасида 1,4 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

5)Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси деб ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш

ҳажмидан мажбурий ажратмалар ставкаси 2013 йил даражасида 0,5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

XII. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

1) Ягона ижтимоий тўлов ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 24-иловасига мувофиқ 25 фоиз даражада сақланиб қолинди.

Бунда ягона ижтимоий тўлов суммаси қуйидаги миқдорларда тақсимланади:

- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 24,8 %

- Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси 0,1 %

- Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши 0,1 %

2) 2014 йил учун фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ставкаси 2013 йилда амал қилган 6,0 фоиз ўрнига 6,5 фоиз миқдорида белгиланди.

XIII. Солиқ солишнинг алоҳида масалалари бўйича:

1) Юридик шахслар учун кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолиниб, унга мувофиқ мазкур даромадлар шартнома бўйича ўрнатилган ижара ҳақи суммасидан келиб чиққан ҳолда, аммо давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари бўйича ҳисоблаб чиқилган миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

2) 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 25-иловасига мувофиқ мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари:

- турар жойни ижарага беришда 1 кв.метр учун Тошкент шаҳрида -3000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда -2000 сўм, бошқа аҳоли пунктларида 1000 сўм;

- нотурар жойларни ижарага беришда 1 кв.метр учун Тошкент шаҳрида – 6000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда – 4000 сўм, бошқа аҳоли пунктларида – 2000 сўм;

- енгил автомобиллар (йўловчилар, юк ташиш учун мўлжалланган ва ўриндиқлари сони ҳайдовчини ҳисобга олмаган ҳолда 8 та жойдан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси) 1 автотранспорт воситаси учун - 220 000 сўм;

- микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллар 1 автотранспорт воситаси учун - 430 000 сўм ижара тўловининг энг кам миқдорлари белгиланди.

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун асосий воситаларни ҳар йили мажбурий қайта баҳолаш бекор қилиниб, уларни ҳар уч йилда бир марта ўтказиш белгиланди.

3) Давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида, қуйидаги умумдавлат солиқлари ва бошқа даромадлар:

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;
- якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;
- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 28-иловасига мувофиқ давлат божлари, йиғимлар ва жарималар бўйича тушумлар тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилади.

XIV. Имтиёзлар бўйича:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ 4210-сонли Фармонининг 1-бандида белгиланган имтиёзлар, яъни:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 апрелдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3983-сонли Фармонининг 1-бандида назарда тутилган, уй шароитида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар - «Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 мартдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3588-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ оилавий корхоналар халқ бадий хунармандчилиги ва қўлда ишланган амалий санъат буюмларини сотишдан олинадиган даромадга ҳисобланадиган ягона солиқ тўловидан озод этиш бўйича имтиёзлар муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3706-сонли Фармонининг 3-бандида белгиланган товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиш муддати 2019 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3860-сонли Фармонининг 2-бандида белгиланган ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозларни беш йил муддатга мулк солиғидан озод этиш

бўйича имтиёз бекор қилинди. Ушбу имтиёзни бекор қилиниши юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар доирасини кенгайтирилиши билан боғлиқ. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-359-сонли Қонунига мувофиқ, Солиқ кодексининг 269-моддаси биринчи қисми 16-банди янги таҳрирда баён этилиб, унга кўра юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база кўпи билан ўн йил давомида ишлатиб келинаётган машина ва асбоб ускуналарнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилиши белгилаб қўйилди.

2. Илгари жорий этилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 34 ва 36-иловаларига мувофиқ узайтирилди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047-сонли қарорининг 8-банди иккинчи хатбошисида белгиланган асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек хом ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш шарти билан берилган имтиёзнинг амал қилиш муддати 2016 йил 1 январгача узайтирилди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарорининг 3-бандида кўзда тутилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, яъни сотув умумий ҳажмида ушбу товарларни ишлаб чиқаришдан тушум улуши ҳисобот даври якунлари бўйича камида 60 фоизни ташкил этадиган корхоналарнинг фойда солиғи ва мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш бўйича имтиёз муддати ҳам 2016 йил 1 январгача узайтирилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-842-сонли қарорининг 8-банди иккинчи-тўртинчи хатбошиларида кўзда тутилган имтиёзлар, жумладан наслчилик иши корхоналари ва Республика “Ўзнаслчилик” корхонаси асосий фаолият тури бўйича барча солиқлар ва

давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, шунингдек, зооветеринария пунктлари - корхонани рўйхатга олишда ва ветеринария фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия беришда давлат божи тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёз муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорининг 36-иловасига мувофиқ 2014 йил 1 январдан бошлаб айрим имтиёзлар бўйича ўзгартиришлар киритилди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-433-сонли қарорининг 1-банди учинчи хат бошига мувофиқ, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) кўрсатилган хизматларга пластик карточкалар қўлланиб тўланган ҳажмидан 10 фоиз ўрнига 5 фоиз пасайтирилган ставка бўйича фойда солиғи ёки ягона солиқ тўловини тўлайди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 ноябрдаги “Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-733-сонли қарорининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён қилинди:

3. Белгилансинки, республиканинг:

- умумий реализация ҳажмида 80 фоиз ва ундан ортиқ фоиз тайёр тўқимачилик маҳсулотини;

- умумий реализация ҳажмида 60 фоиз ва ундан ортиқ фоиз тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларини (калава ип, газлама, трикотаж полотно) эркин муомаладаги валютага сотувчи тўқимачилик саноати корхоналари мол-мулк солиғи тўлашдан 2016 йилнинг 1 январигача бўлган даврга озод қилинади”.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-842-сонли қарорининг 8-банди бешинчи хатбошидаги фермер хўжаликлари ва чорвачилик фермалари - чорвачилик маҳсулотларини, жумладан, унинг қайта ишланган маҳсулотини сотиш тушумидан давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёз Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-359-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 312, 316, 325¹ ва 349-моддаларига киритилган ўзгартириш ва

қўшимчаларга мувофиқ ягона ер солиғини тўловчилар мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни тўлашдан 2014 йил 1 январдан озод қилинганлиги муносабати билан бекор қилинди.

2.2. Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсири

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-359-сонли Қонунига мувофиқ, Солиқ кодекси янги XVI¹ бўлим билан тўлдирилиб, 51 та моддаси бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ, Солиқ кодексининг 23-моддаси бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича “2¹” банд билан тўлдирилди.

Шунингдек, Солиқ кодекси “Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар” деб номланувчи янги XVI¹ бўлим билан тўлдирилди. Солиқ кодексининг 325-1, 325-2, 325-3, 325-4-моддалари билан ушбу жамғармага мажбурий ажратмаларни тўловчилар, солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, солиқ даври, ҳисобот даври, мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлаш тартиби белгилаб қўйилди.

2. Солиқ кодекснинг 48-моддасига киритилган қўшимча, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг депозит ҳисобварақларига ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатларининг кўчирма нусхалари солиқ тўловчи томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган тақдирда ҳам бажарилган деб ҳисобланишини назарда тутди.

3. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охириги истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилувчи юридик шахслар ҳисобига транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчиларнинг доираси кенгайиши муносабати билан Солиқ кодексининг 22, 80, 130, 204, 222, 301, 302 ва 304-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

4. Солиқ кодексининг 114-моддасига киритилган ўзгартиришлар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яширганлиги (камайтириб кўрсатиш) учун қўлланиладиган молиявий жарима миқдорини ўзгаришини назарда тутди. Хусусан, Солиқ кодексининг 114-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилди: “Кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар

мустасно, - кирим қилинмаган товар қиймати миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) – товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумнинг яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш амалга оширилади.

Ушбу моддани қўллаш мақсадида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуйидагилар эътироф этилади:

- товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги факти ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги;

- товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатлар алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги;

- ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги.

5. Солиқ кодексига киритилган янги 155¹-модда, шунингдек 155, 165, 176, 182, 184 ва 194-моддаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг мол-мулкани реализация қилишдан олинган даромадларига солиқ солиш тартибини, дивидендлар, фоизлар ва роялти бўйича халқаро шартнома нормаларини мустақил равишда қўллаш ҳуқуқини беришни ҳамда бошқа ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутди.

6.Солиқ кодексининг 156-моддасига киритилган ўзгартириш, лизинг ва молиявий ижара бўйича фоизли даромадларни солиққа тортишнинг ягона тартибини назарда тутди.

7.Солиқ кодексини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1167-сонли қарорида белгиланган меъёрларга мувофиқлаштириш мақсадида, кодекснинг 171-моддаси иккинчи қисми 14-банди қуйидаги тахрирда баён қилинди:

“14) юридик шахсдан - иш берувчидан:

- ёш оилалар аъзолари томонидан уй-жой олиш учун олинган маблағлар;

- қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш учун кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банклар томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган ипотека кредити бўйича бошланғич бадал сифатида қурувчи шахс томонидан олинган маблағлар.

Уй-жой олинган (мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади”.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1167-сонли қарорига мувофиқ, Солиқ кодексининг 179-моддасига ўзгартириш киритилиб, унга кўра қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришга кредитлар берадиган банклар рўйхати кенгайтирилди.

8.Солиқ кодексининг 176-моддаси 4-бандига киритилган ўзгартиришлар мол-мулкни реализация қилишдан олинadиган даромадни аниқлашда ягона тартибни жорий этилишини назарда тутadi. Хусусан, мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади. Мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкни реализация қилиш қиймати, кўчмас мулк бўйича эса, инвентаризация қиймати ҳамда реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади.

10.Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган базани белгиловчи Солиқ кодексининг 204-моддаси, жумладан қуйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи қисм билан тўлдирилди:

“Кейинчалик реализация қилиш учун юридик шахслар томонидан давлат резервидан олинган, нархлари давлат томонидан тартибга солиниши белгиланган товарлар бўйича солиқ солинадиган база реализация қилиш нархи ва давлат резервидан олинган нарх ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади”.

11.Солиқ кодексининг 254-моддаси тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилди:

“Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинadиган ҳажмининг қиймати солиқ солинадиган базадир. Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинadиган ҳажмининг қиймати қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

Товар бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган ер қаъридан фойдаланувчилар учун - фойдали қазилманинг мазкур тури учун тасдиқланган декларация қилинган нархи бўйича;

бошқа ер қаъридан фойдаланувчилар учун - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда халқаро биржада белгиланган биржа нархи бўйича, жаҳон бозорида нарх мавжуд бўлмаган тақдирда эса, фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинadиган ҳажмининг қиймати - ваколатли давлат органи томонидан белгиланadиган нарх бўйича”.

Шунингдек, юқорида кўрсатилган модда қуйидаги таҳрирдаги бешинчи қисм билан тўлдирилди:

“Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинadиган ҳажмининг қийматини аниқлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади”.

12. Солиқ кодексининг 269-моддасига киритилган ўзгартиришлар юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган базани ўзгартиришни назарда тутди.

Хусусан, имтиёзларни қисқартирилиши ва кенгайтирилиши муносабати билан мазкур модданинг биринчи қисми 1 ва 16 бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилди:

“1) коммунал хўжалиги объектларининг. Коммунал хўжалиги объектларига қуйидагилар киради: водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан, асбоб-ускуналар);

... 16) кўпи билан ўн йил давомида ишлатиб келинаётган машина ва асбоб-ускуналарнинг”.

13. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китобларини унификациялаш ва солиқ юкини камайтириш мақсадида, Солиқ кодексининг 296-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилди:

“Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир. Бунда солиқ солинадиган база қуйидаги суммаларга камайтирилади:

- олиниши лозим бўлган (олинган) дивидендлар суммасига;
- қўшимча фойда солиғи тўловчилар учун - соф қўшимча фойда суммасига;
- текин олинган пул маблағлари суммасига, агар уларни ўтказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса;
- жорий солиқ даврида фойдаланилганда харажатлар вужудга келмайдиган бюджетдан ажратиладиган субсидиялар суммасига”.

14. Солиқ кодексининг 305, 311 ва 370-моддаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оилавий тадбиркорлик субъектининг қатъий белгиланган солиқ ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутди.

15. Солиқ кодексининг 312, 316, 349 ва 363-моддаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек янги киритилган 325¹-модда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар – ягона ер солиғи тўловчилар учун давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бекор қилинганлиги ҳисобига солиқ юкини камайтирилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолият бўйича даромадларни солиққа тортишни соддалаштиришни назарда тутди. Жумладан, Солиқ кодексининг 363-моддаси саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилди:

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширишда ягона ер солиғи

тўловчи мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ва ягона солиқ тўловини ёки Солиқ кодекснинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ тўланиши назарда тутилган фаолият доирасида қатъий белгиланган солиқни тўлаши шарт”.

16.Солиқ кодексининг 351-моддасига киритилган қўшимча солиқ тўловчининг ҳисобот йили тугаши билан белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмаслигидан келиб чиқиб, ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини кўзда тутди.

17.Солиқ кодексининг 354-моддасига киритилган қўшимча ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинганлиги каби биринчи чорак учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинишини назарда тутди.

18.Солиқ кодексининг юридик шахсларни солиққа тортиш билан боғлиқ 9 та моддасидаги (156, 158, 159, 208, 211, 261, 269, 298 ва 356) ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш билан боғлиқ 5 та моддасидаги (179, 180, 275, 290, 324) имтиёзлар бекор қилинди. Имтиёзларнинг бекор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунининг 2-моддасига мувофиқ 2014 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилади.

19. Айрим нормаларни аниқлаштириш мақсадида:

- солиқ ҳисоботи ва аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бир хил шаклда тўлдирилишидан келиб чиқиб, Солиқ кодексда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тўлдириш талабларини назарда тутувчи 46-модданинг иккинчи қисми чиқариб ташланди;

Солиқ кодексининг 371-моддаси олтинчи қисмига фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларига таҳририй ўзгартириш киритилди.

20. Солиқ кодексининг 385-моддасига киритилган ўзгартириш патта тўловини нақд пулсиз шаклда пластик карталардан фойдаланган ҳолда тўлаш имкониятини назарда тутди.

2.3.Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик белгилашнинг ҳуқуқий асослари

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар солиқ муносабатлари соҳасига жиддий салбий таҳдид солувчи омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун солиқ муносабатларида ҳуқуқбузарлик ва унинг учун жавобгарлик белгилашнинг ҳуқуқий асослари бугунги кунда анча такомиллашган бўлишини тақозо қилади. Чунончи, солиқ муносабатларида жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари Солиқ кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодексида белгилаб қўйилган.

Солиққа оид муносабатларда жавобгарлик деганда, солиқ тўловчи юридик ёки жисмоний шахснинг солиқ қонунчилиги талабларини ўзларининг айбли, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) туфайли бузганликлари учун қўлланиладиган давлат мажбурлов чоралари назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 106-моддасига асосан, солиқ тўловчининг ушбу Кодекста жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади¹.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик асоси – бу ҳуқуқбузарлик таркибидир. Бу таркиб ўз ичига ҳуқуқбузарлик объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томонларини олади.

Ҳуқуқбузарлик объекти - солиққа тортиш тизимлари амал қиладиган соҳада юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Солиқ муносабатларида ҳуқуқбузарликнинг объектив томони бўлиб солиқ тўловчининг аниқ хатти-ҳаракатларида ифодаланувчи ҳуқуқбузарлик саналади. Ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт, ҳолатлар ҳам объектив томонни акс эттирувчи хусусиятлар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик субъекти – бу солиқ соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера оладиган юридик ёки жисмоний шахсдир. Корхона, ташкилот эса одатда юридик шахс мақомига эга бўлиши керак.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг субъект нуқтаи назаридан ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уларда битта ҳуқуқбузарликдан икки шахс жавобгарлиги юзага келиши мумкин. Масалан, корхона даромадларининг яширилганлиги айни ушбу ғайриқонуний ҳаракат учун юридик шахсга иқтисодий жавобгарликни, корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан эса ҳуқуқий(маъмурий ёки жиноий) жавобгарликни қўлланилишига олиб келиши мумкин.

Солиқ ҳуқуқбузарлигининг субъектив томони бўлиб, ғайриқонуний ҳаракатни содир этган шахсни ўз хатти-ҳаракатига руҳий муносабати, айби (қасд ёки эҳтиётсизлиги) ҳисобланади. Жисмоний шахс (корхона раҳбари)нинг эҳтиётсизлиги, қонунларни яхши билмаслиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳам нафақат жисмоний шахс, балки корхона(юридик шахс) ҳам жавобгарликка тортилади.

Ушбу юридик таркиб мавжуд бўлгандагина солиққа оид жавобгарлик юз бериши мумкин. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун икки шаклдаги жавобгарлик юз бериши мумкин. Улар: 1) жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги; 2) юридик шахсларнинг иқтисодий (молиявий) жавобгарлиги.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари ҳақида Солиқ кодексининг 132-моддасида айtilган. Унда жисмоний шахслар ва корхоналарнинг мансабдор шахслари маъмурий-ҳуқуқий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий, мулкӣ жавобгарликка, мансабдор

¹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.:Адолат, 2013.

шахслар эса шунингдек, интизомий жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги назарда тутилган.

Солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланиладиган иқтисодий жавобгарлик молиявий жазо чоралари, уларнинг турлари, миқдорлари ва қўлланилиш тартиблари Солиқ кодексининг 135-моддасида белгилаб қўйилган.

Амалдаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни назарда тутган. Бундай ҳимоя чораларининг кўрилиши солиқ тўловчи (унинг вакили) томонидан белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этилган шикоят аризаси (судга даъво аризаси) берилиши билан боғланган¹.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида **солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари** ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик масалалари ўрин олган. Хусусан, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар турларига давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш; кирим қилинмаган товарларни сақлаш ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш); солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш; бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш; фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш; ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш; фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш тартибини бузиш; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш; ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланишлар киритилган.

Солиқ муносабатлари соҳасида солиқ тўловчи субъектлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири – солиқдан бўйин товлаш, турли йўллار билан олинадиган даромадларни яшириш ҳисобланади.

Солиқдан бўйин товлаш ва уни тўламасликка ҳаракат қилишнинг усуллари, шакллари жуда хилма-хил ҳамда бу ҳодиса, айтиш мумкинки, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида кенг тарқалган. Шу сабабли солиқдан бўйин товлаш, даромадларни яшириш ҳолларини аниқлаш пайтида, айниқса, ривожланган мамлакатлар солиқ хизмати органлари тажрибасини ўрганиш ва улардан кенг фойдаланиш яхши самара бериши мумкин. Замонавий ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш воситалари, компьютер технологияларини давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида кенг қўлланилаётганлиги солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликларни, шу жумладан солиқдан бўйин товлашга уриниш ҳолларини олдини олишга, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам бермоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил, № 23-24, 167-модда.

Аммо, шу билан бирга солиқдан бўйин товлаш усуллари ҳам тобора такомиллашиб бормокда. Шу сабабли солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш усуллари ва воситалари ҳам такомиллаштирилиб, унинг самарадорлиги ошириб борилиши талаб этилади.

Бугунги кунда солиқ тўловчи томонидан содир этиладиган ва “солиқдан бўйин товлаш” деб баҳоланиши мумкин бўлган ҳолатларнинг тахминий рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрдаги 483-сонли қарорида белгилаб берилган бўлиб, унга кўра:

- ҳужжатларни сохталаштирилиши (тузатиб қўйиш);
- қалбаки бирламчи бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришга сарф қилинмаган моддий харажатларни асоссиз ҳисобдан чиқариш;

- корхона ходимлар штати жадвалида кўзда тутилган бўлсада, аслида ишламаётган ходимга иш ҳақи ёзиш ҳисобига харажатларни кўпайтириш;

- савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатишдан тушган нақд пулни банкка топширмасдан, кейинги ҳисобот ойига ўтказиш (реализация ва даромадлар кўрсаткичларини қасддан камайтириб кўрсатиш);

- моддий, ёнилғи-энергетик ресурслари сарф-харажатлари нормативларини сунъий равишда ошириб кўрсатиш ёки уларни нотўғри татбиқ этиш;

- ҳужжатларни йўқотиб юбориш ёки уларни тақдим этишдан бош тортиш;

- савдо зали (тарқатиш жойлари)да бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) маҳсулотлар (товарлар) борлиги;

- ҳўжалик субъекти (тадбиркор) тегишли тарзда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турмасдан ва рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритишлари;

- икки ва ундан ортиқ мустақил манбадан даромад олувчи жисмоний шахсни давлат солиқ органлари томонидан ёзма огоҳлантирилганига қарамасдан декларация тақдим этишдан бош тортиши.

Мазкур тахминий рўйхат кейинчалик янада кенгайтирилди ва унинг таркибига назорат-касса машиналарисиз ёки улар бўлатуриб, ундан фойдаланмасдан савдо қилиш, миқдорларга харид чеклари ёки нақд пул қабул қилиб олинганлиги ҳақидаги ҳужжатни (квитанция, патта) бермаслик, ҳисоботларни тақдим этиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузиш (нотўғри маълумотлар тақдим этиш, улгуржи савдо қоидаларини бузиш каби бошқа бир қатор ҳолатлар ҳам солиқдан бўйин товлаш (даромадларни яшириш) ҳоллари қаторига киритилди.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга - солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда қўлланилади.

Молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади.

Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня материаллар судга берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўланган тақдирда тадбиркорлик субъекти - солиқ тўловчи ўзига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун жарималар қўлланилишидан озод қилинади.

Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

Солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмас.

Солиқ тўловчи солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдирда, молиявий санкциялар ҳар бир ҳуқуқбузарликка нисбатан алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Агар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар қўлланилган шахс молиявий санкциялар қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этмаган бўлса, у молиявий санкцияларга тортилмаган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасида “Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш” учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ:

Солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш маъмурий жазо қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида “Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш” учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага кўра, фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса жиноий жазо қўллашга олиб келади. Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад)

бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Солиқдан бўйин товлаш, даромадларни яшириш ва норасмий иқтисод авж олишига йўл қўймасликнинг ташкилий-ҳуқуқий, маъмурий мажбурлаш воситалари билан бир қаторда бозор принципларига таянувчи иқтисодий механизмлари, усуллари ва воситаларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Бунда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни меъёрида, тадбиркорни ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилишга ундамайдиган даражада бўлишига эришиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса

Хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш бўйича мавжуд қонунчилик ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-назарий ва илмий-амалий масалаларни тадқиқ этиш мобайнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солинадиган солиқлар фискал, яъни хазинани тўлдириш мақсадини кўзламаслиги керак. Мазкур субъектлар асосан аҳолининг кенг қатламини меҳнат билан бандлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадлар қисмини шакллантиришдаги ўрнига эътибор қаратиб, солиқ солиш соҳасида уларга нисбатан имтиёзлар тизими қўлланилиши давом эттирилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунини янги таҳрирда ишлаб чиқиш лозим. Бунда, айниқса, виртуал шаклда товарларни реализация қилиш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) муносабати билан мазкур қонунга **“Виртуал тижорат”** номли боб киритилиши лозим.

3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига виртуал шаклда тижорат амалга оширилиши муносабати билан солиқ солиш тартибига оид янги қоидалар ва тартиблар билан тўлдирилиши лозим.

4. Қонун ҳужжатларида ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хусусий мулк тушунчасини ва унинг нодавлат мулкидан фарқини аниқ ифодалаш, қабул қилинган қонунларга мувофиқ иқтисодиётнинг хусусий сектори устуворлигини, уни қўллаб-қувватлашни ва унинг дахлсизлигини амалда таъминлаш лозим. Нодавлат мулк тушунчасини асосан иқтисодчилар ишлатади. 99 фоиз давлатники, 1 фоиз хусусий, демак мулк хусусий ҳисобланади. 50+1 бўлса, давлат мулки деган қарашлардан воз кечиш керак. Нодавлат мулк тушунчаси нотўғри қўлланилмоқда. Хусусий мулкни иқтисодчилар фақат жисмоний шахсларга тегишли бўлган мулк деб тушунишмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда солиқ муносабатлари хусусий секторнинг устуворлигини ҳисобга олиб шакллантирилиши лозим.

5. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун турли рухсат бериш тартиботларининг муддатларини янада қисқартириш, уларни соддалаштириш ва арзонлаштириш зарур;

6. Рухсат бериш ва лицензиялаш тартиботларини расмийлаштиришни электрон шаклга ўтказишни жадаллаштириш, коммунал хизматларни, шунингдек, солиқ солиш ва божхонада расмийлаштириш хизматларини интерактив тарзда кўрсатиш ишлари кенгайтирилиши лозим;

7. Бугунги кунда фермер хўжаликларининг аксариятида моддий-техник база ва энг асосийси молиявий ҳамда ҳуқуқий билимлар етишмаслиги натижасида улар томонидан жойлардаги солиқ идораларига ҳисоботларни топширишда бирмунча қийинчиликларга дуч келинмоқда. Туман(шаҳар) фермерлар уюшмаларида бухгалтерия бўлими ташкил этилса ва фермер хўжаликларининг барча ҳисоботларини солиқ органларига топшириш ушбу бўлим зиммасига юклатилса, шунингдек, бўлимда алоҳида электрон манзилга эга бўлган электрон ҳужжатларни тақдим этувчи компьютер

ўрнатилиб, ҳисоботлар электрон ҳужжат айланиши орқали топширилишини йўлга қўйиш орқали фермер хўжаликларини ҳисобот топшириш учун кетадиган вақтини тежаш ҳамда уларни ортиқча оворагарчиликлардан халос қилиш мумкин.

8. Бугунги кунда солиқ идораларига молиявий ҳисоботларни юридик шахслар томонидан электрон алоқа воситалари орқали тақдим этиш йўлга қўйилмоқда. Аммо ҳар бир юридик шахс электрон техника воситалари ва уларни ишлатиш юзасидан тегишли маълумотга эга эмаслар. Электрон алоқа воситалари орқали ҳисобот тақдим этиш истагини билдирган корхоналар, хусусан фермер хўжаликлари раҳбарлари ва ҳисобчилари учун электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш ва ҳисобот тузиш ҳамда ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш бўйича Республика ахборот-маслаҳат маркази бўлимлари томонидан ўқув курсларини ташкил этиш лозим.

9. Ғарбда солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини халқ хўжалигининг тармоқлари ва фаолият турларидан келиб чиқиб тадқиқ этадилар. Афсуски, биз мамлакатимиз бўйича ана шундай маълумотларни таҳлил қилиш имкониятига ҳозиргача эга эмасмиз. Бизда ҳам ҳеч бўлмаганда, комплекс текширувлар якунлари бўйича солиқларни тўлашдан бўйин товлашга доир маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг ошкора тизими ташкил этилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

10. Мамлакатимиз ҳудудида эркин иқтисодий зоналар, индустриал зоналар ва технопаркларни ривожлантириш лозим. Бу зоналарда чет эл инвестициялари ва тадбиркорлик фаолиятининг жалб қилинишини рағбатлантирадиган солиққа тортишнинг махсус режими амал қилади.

11. Солиқ тизимида асосий йўналиш сифатида тўғридан-тўғри солиқларни камайтириш (уларнинг асосий вазифаси хазинани тўлдиришга қаратилган бўлади) ва эгри солиқларни нисбатини ошириш орқали жамланган маблағларни иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салмоғини ривожлантиришга жалб қилишдан иборат бўлади.

12. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ривожлантиришда ривожланган мамлакатларда солиқ тўловчилар фаолияти устидан солиқ назоратини ташкил қилиш ва юритиш усуллари жорий этиш ишларини тезлаштириш лозим. Хусусан, солиқ назоратининг “жойларга чиқиб текшириш” усулига нисбатан дистанцион назорат қилиш усуллари жорий этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I.Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.:Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.:Ўзбекистон, 2011.
3. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. –Т.:Ўзбекистон, 2012.
4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
5. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014.

II.Махсус адабиётлар

1. Жўраев А.С., Ортиқов Н.А. Солиқ ҳуқуқи асослари. –Т.:ИЛМ-ЗИЁ, 2012.
2. Абдурахмонов О., Кушукаев Б., Сафаров Ғ. Солиқ ислохотлари: изчиллик ва тадрижийлик. –Т.: Академия, 2005.
3. Гадоев Э., Набиев О., Орзибеков К. Солиқ сиёсати – ислохотлар даврида. –Т.:ДСҚ, 2007.
4. Отахонов Ф.Ҳ. Хўжалик(тадбиркорлик) ҳуқуқи. –Т.:ТДЮИ, 2003.
5. Юридик библиография. –Т.:ТДЮИ, 2006.

III.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. –Т.: Адолат, 2014.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2013.
4. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. –Т.: Адолат, 2013.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2013.
6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2013.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қарори Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисида. 2013 йил 14 ноябрь.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрель “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонун. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 20-сон, 230-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрь “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 37-38-сон, 374-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси 2011 йил 13 сентябрь “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 37-сон, 374-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрель “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 17-сон, 188-модда.
13. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 май “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 18-сон, 201-модда.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрь “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 39-сон, 446-модда.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2014 йил учун давлат статистика ишларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. № 1, 9-модда.
16. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрь “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz
18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 20-сонли “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”
19. ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда.

IV.Электрон ресурслар

1. www.soliq.uz
2. www.press-servise.uz
3. www.gov.uz
4. www.parliament.gov.uz
5. www.mf.uz
6. www.customs.uz